10.4. Страховщик освобождается от ответственности и не покрывает косвенные убытки, недополученную прибыль, пени, штрафы, неустойки и прочие финансовые санкции.

РАЗДЕЛ 11. ПОРЯДОК РАССМОТРЕНИЯ СТРАХОВОЙ ПРЕТЕНЗИИ

11.1. Организация и согласование медицинских, медико-транспортных и иных услуг, определенных в Программе страхования, осуществляется на основании обращения Страхователя, Застрахованного лица или Выгодоприобретателя в Асисанс Страховщика. Обращение может быть произведено по телефону или с помощью других средств связи, указанных в Страховом полисе, и по возможности, должна быть предоставлена информация о случившемся, сообщая при этом следующие данные:

- фамилия и имя Застрахованного лица, нуждающегося в помощи;
- номер Страхового полиса;
- описание обстоятельств произошедшего события и характер требуемой помощи;
- местонахождение и номер контактного телефона для обратной связи.

11.2. АСИСТАНС Страховщика на основании поступившего обращения организует оказание Застрахованному лицу необходимых услуг в соответствии с Программой страхования, исходя из описания ситуации и состояния здоровья Застрахованного лица в порядке, предусмотренном настоящей Офертой.

11.3. Медицинские и медико-транспортные услуги оказываются Застрахованному лицу после предъявления им Учреждению Страхового полиса и документа, удостоверяющего личность Застрахованного лица.

11.4. Страховщик контролирует объем, сроки и качество медицинской помощи, оказываемой Застрахованному лицу в Учреждении в соответствии с Программой страхования.

11.5. В случае невозможности связаться со Страховщиком, Страхователь, Застрахованное лицо или Выгодоприобретатель может самостоятельно оплатить расходы, связанные со страховым событием. В этом случае Страхователь, Застрахованное лицо или Выгодоприобретатель вправе в срок не позднее 30 дней письменно обратиться к Страховщику с заявлением о возмещении расходов с приложением следующих документов:

11.5.1. при внезапном заболевании и/или несчастном случае с Застрахованным лицом в период страхования и на территории страхования:

а) Страховой полис или его копия;

б) копия документа, устанавливающего личность Застрахованного лица;

в) оригинал справки-счета из учреждения с указанием необходимых данных (фамилия пациента, диагноз, дата обращения за услугами, продолжительность лечения и т.п.);

г) оригинал рецепта, выписанного врачом в связи с данным заболеванием;

д) оригинал счета (договора) учреждения с разбивкой по датам, наименованиям и стоимости оказанных услуг;

е) оригиналы документов, подтверждающие факт оплаты услуг (штамп об оплате, расписка в получении денег или подтверждение банка о перечислении суммы и т.п.);

ж) заключение или иной документ учреждения, свидетельствующий об отсутствии в организме Застрахованного лица алкоголя, наркотического, токсического или иного опьяняющего вещества – при несчастном случае, произошедшем с Застрахованным лицом в результате управления им любым видом транспортного средства.

11.5.2. при наступлении смерти Застрахованного лица в результате несчастного случая в период страхования и на территории страхования:

- а) Страховой полис или его копия;
- б) копия документа, устанавливающего личность Выгодоприобретателя, правомочного в получении страховой выплаты;
- в) детальное описание обстоятельств несчастного случая и по возможности имена и координаты свидетелей;
- г) оригинал акта (протокола или любого иного документа, описывающего обстоятельства и причины происшествия) правоохранительных или иных компетентных органов в отношении несчастного случая (если дело рассматривалось правоохранительными органами);
- д) нотариально заверенная копия свидетельства о смерти Застрахованного лица или оригинал судебного решения о том, что Застрахованное лицо объявлено умершим или без вести пропавшим (в случае исчезновения Застрахованного лица).

11.6. При необходимости и в целях выяснения обстоятельств, а также определения размера убытка и урегулирования вопроса по осуществлению страховой выплаты, Страховщик вправе затребовать другие документы, не предусмотренные пунктами 11.5 настоящей Оферты.

11.7. В случае необходимости, Страховщик вправе проводить проверку предоставленных документов, запрашивать сведения у организаций, располагающих информацией об обстоятельствах страхового события, а также проводить медицинское освидетельствование Застрахованного лица.

11.8. В случае, предусмотренном пунктом 11.5 настоящей Оферты, в зависимости от характера и обстоятельств страхового события, Страховщик вправе принять решение о признании или не признании произошедшего события страховым случаем (или об отказе в страховом обеспечении) без требования полного перечня документов/информации, указанного в пункте 11.5 настоящей Оферты.

11.9. Страховщик по итогам рассмотрения представленных документов и обстоятельств события принимает решение о признании страхового случая или не признании страхового случая и отказе в осуществлении страховой выплаты. При этом, в случае принятия решение об отказе в выплате, то ответное письмо Страховщика должно содержать мотивированное обоснование причин отказа.

В случае принятия решения о непризнании произошедшего события страховым случаем и отказе в страховой выплате, решение Страховщика сообщается Страхователю / Застрахованному лицу / Выгодоприобретателю в письменной форме в течение 15 (пятнадцати) календарных дней с момента обращения к Страховщику за страховой выплатой с приложением всех документов, указанных в пункте 11.5 настоящих Правил.

РАЗДЕЛ 12. ПОРЯДОК ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ СТРАХОВОЙ ВЫПЛАТЫ

12.1. Страховая выплата осуществляется на основании решения о признании произошедшего события страховым случаем. Страховщик производит страховую выплату Застрахованному лицу или Выгодоприобретателю в течение 15 дней со дня принятия решения путем уплаты денежных средств по реквизитам, указанным Застрахованным лицом или Выгодоприобретателем в порядке, установленном законодательством Республики Узбекистан.

12.2. Каждый оплаченный Страховщиком счет учреждения за оказанные услуги Страхователю Застрахованному лицу уменьшает страховую сумму по каждой услуге, входящей в Программу страхования, на сумму оплаченного счета.

12.3. Общий размер страховой выплаты, осуществленный Страховщиком по одному или нескольким страховым случаям, не может превышать размер страховой суммы по каждой услуге, входящей в Программу страхования.

12.4. После осуществления страховой выплаты, оригиналы документов, не возвращаются Страхователю, Застрахованному лицу или Выгодоприобретателю.

12.5. В любом случае доказательство факта наступления страхового случая, ответственности Страховщика по осуществлению страхового обеспечения и обоснования суммы убытков лежит на Страхователе, Застрахованном лице или Выгодоприобретателе.

12.6. Если Страхователь или Застрахованное лицо заявляет о страховом событии с нарушением требований пункта 11.5 настоящей Оферты, его обязанностью является доказать Страховщику невозможность более скорого сообщения о случившемся.

12.7. Если по фактам, послужившим причиной наступления страхового случая, возбуждено уголовное дело или начат судебный процесс в отношении Страхователя, Выгодоприобретателя или Застрахованного лица, принятие решения о выплате страхового обеспечения может быть отсрочено до окончания расследования или судебного разбирательства.

РАЗДЕЛ 13. ПРОЧИЕ УСЛОВИЯ

13.1. За неисполнение или ненадлежащее исполнение взятых на себя обязательств, стороны несут ответственность в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан.

13.2. При возникновении споров, требований или разногласий по вопросам, предусмотренным настоящими условиями или в связи с ними, в том числе касающиеся их исполнения и нарушения, стороны примут меры к разрешению их путем переговоров.

13.3. При невозможности разрешения споров, разногласий или требований, они подлежат разрешению в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан.

13.4. Если какие-либо возникшие ситуации (обстоятельства) не нашли своего отражения в настоящих Правилах, Страховщик вправе принять по своему усмотрению компромиссное решение.

13.5. Все уведомления, требования или другие сообщения должны быть в письменной форме и подписаны Сторонами. Стороны признают за документами, переданными по факсу и электронной почте, юридическую силу, при

INSON

условии поступления документации с телефонных номеров и электронной почты, указанных при заключении договора страхования и обязаны в последующем предоставить оригиналы документов в срок не более одного месяца со дня получения факсимильной/электронной копии. Стороны вправе использовать средства факсимильного копирования подписи, которая приравнивается к собственноручной подписи подписавшего документ лица.

13.6. Настоящая Оферта разработана на русском языке и для удобства пользователей переведены на английский язык. В случае возникновения расхождений при толковании условий на английском языке, Правила изложенные на русском языке будет обладать преимущественной силой.

INSON

САЙЁХЛАРНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ПОЛИСИ
ПОЛИС СТРАХОВАНИЯ ТУРИСТОВ / TRAVEL INSURANCE POLICY

№ -----

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Суғурта Бозорини Ривоворантириш Аентлиги томонидан 2020 йил 27 октябры берилган 00002-сонли Лицензияга асоса ва Ўзбекистонда сайр қилаётган саёхатчиларни суғурта қилиш бўйича Оммавий оферта шартларига мувофиқ, «INSON» СТ МЧЖ қуйидагиларга суғурта хизматларини кўрсатади:

На основании лицензии Агентства по развитию Страхового рынка при Министерстве финансов Республики Узбекистан №00002 от 27 октября 2020 года, и в соответствии с условиями Публичной оферты по страхованию туристов, посещающих Узбекистан от 01 декабря 2021 года, настоящим СО ООО «INSON» оказывает страховые услуги:

Acting under the license Agency for the Development of the Insurance Market under the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan No. 00002 dated October 27, 2020, and in accordance with the Public offer on Travel Insurance for Visitors to Uzbekistan dated December 01, 2021, by this INSON LLC Insurance company provides insurance services:

1	Суғурта қилдирувчи: (Страхователь / Policy holder)	
	Телефон рақами: (Номер телефона / Phone number)	
	Яшаш манзили: (Адрес / Address)	
2	Наф олувчи: (Выгодоприобретатель / Beneficiary)	
	Телефон рақами: (Номер телефона / Phone number)	
	Яшаш манзили: (Адрес / Address)	
3	Полис амал қилиш даври: (Срок действия полиса / Duration of insurance policy)	
4	Суғурта кунлари сони: (Количество дней страхования / Days of insurance)	
5	Саёхат худуди: (Страна пребывания / Host country)	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН / REPUBLIC OF UZBEKISTAN
6	Суғурта пули: (Страховая сумма / Insurance sum)	
7	Суғурта мукофоти: (Страховая премия / Insurance premium)	
8	Суғурта дастури: (Программа страхования / Insurance program)	
	Тиббий хизматлар, шу жумладан (Медицинские услуги, в том числе / Medical services, including)	
	Стоматологик ёрдам: (Экстренная стоматологическая помощь / Emergency dental help)	
	Тиббий транспорт хизматлари: Медико-транспортные и иные услуги / Medical transportation services)	
	Тиббий эвакуация: (Медицинская эвакуация / Medical evacuation)	
	Репатриация: (Репатриация / Repatriation)	

Полис берилган сана:
(Дата выдачи полиса /
Date of issue)

Суғурталовчи вакилининг имзоси:
(Подпись представителя Страховщика /
Signature of Insurer)

INSON

Ўзбекистонга келувчи туристларни суғурта қилиш бўйича ОММАВИЙ ОФЕРТА

Мазкур Оммавий оферта (қуйида – «Оферта») юридик ва жисмоний шахсларнинг номаълум доирасига (қуйида – Суғурта қилдирувчи) «Интернет» ахборот-телекоммуникация тармоғида Суғурталовчининг ахборот тизимларидан (расмий сайтдан) фойдаланган ҳолда қуйидаги суғурта шартларида суғурта шартномасини (қуйида – Суғурта шартномаси) тузишга йўналтирилган «INSON» СТ МЧЖ нинг таклифи ҳисобланади.

Суғурта шартномасини тузиш учун Суғурталовчининг сайтида онлайн-режимда суғурта шартномасини тузишга Аризани тўлдириш, унда ишлаб турган электрон почта ва ишлаб турган мобил телефон рақами, шунингдек Суғурталовчининг сайтида кўрсатилган тўлов тизимлари орқали банк картаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш имконияти бўлиши талаб қилинади.

Суғурталовчининг корпоратив сайтидаги бошқа бўлимларда жойлаштирилган ахборот мазкур Офертага нисбатан қўлланмайди, у фақат реклама характерида эга бўлиши мумкин.

Шахс томонидан мазкур Оферта шартларининг қабул қилиниши ва Суғурталовчининг сайтидан фойдаланиш ниятини билдирувчи ҳаракатларнинг амалга оширилиши ҳамда Суғурта шартномасини тузиш учун ҳисобланган суғурта мукофотининг тўланиши мазкур Офертанинг тўлиқ ва сўзсиз акцепти (яъни Оферта қабул қилингани ҳақидаги жавоб) ҳисобланади.

Суғурталовчининг ахборот тизими ёрдамида Суғурта қилдирувчи мустақил равишда суғурта даврини белгилайди, Суғурта дастурини танлайди, Суғурталовчининг ахборот тизими эса Суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлардан ва суғурта қопламалари бўйича танланган вариантлардан келиб чиққан ҳолда суғурта мукофотининг суммасини шакллантиради (ҳисоблайди) ва Суғурта қилдирувчи шакллантирилган суғурта мукофотининг миқдорига рози бўлган тақдирда, у тўланишидан олдин Суғурта қилдирувчи мазкур Оферта матни билан танишиш мажбуриятини олади.

Мазкур Офертада таклиф қилинаётган суғурта шартларига рози бўлган тақдирда, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланиш йўли билан онлайн-режимда Суғурта шартномасини тузишга Аризани (қуйида – Ариза) тўлдиришга ўтади.

Ариза тўлдирилганидан кейин Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан автомат тарзда **«Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш»** тугмачасидан фойдаланиш имконияти очилади.

Суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Оферта шартларига, тўлов провайдерининг сайтида чоп этилган йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Суғурта мукофотини тўлаш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ёки чет эл валютасида амалга оширилади. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини Суғурталовчининг сайтида кўрсатилган тўлов тизимлари орқали банк картаси ёрдамида тўлайди. Ҳисобланган суғурта мукофотининг миқдори сайтда ва Суғурта қилдирувчига юбориладиган смс хабарда ва/ёки электрон хатда тўлов тафсилотлари билан бирга кўрсатилади.

Суғурталовчи электрон тўловлар тизими ва интернет орқали тўлаш билан боғлиқ Тўлов провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги учун ҳамда Суғурта қилдирувчининг ҳар қандай зарари ва таваккаллари учун жавобгар бўлмайди.

Суғурта мукофотини банк картаси ёрдамида тўлаш бевосита Суғурта қилдирувчи – карта эгаси томонидан амалга оширилиши зарур. Агар Суғурта қилдирувчи тўловни амалга ошириш учун банк картасини бошқа шахсга берган бўлса, Суғурта қилдирувчи бу билан боғлиқ хатарларни ўз зиммасига олади ва бу ҳолда суғурта мукофотини тўлаш ишлари Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади.

Оферта кимга қаратилган бўлса, ўша шахс Суғурталовчининг ахборот тизимида **«Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш»** тугмачасини босиш ва шакллантирилган суғурта мукофотини тўлаш билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ ўзининг қуйидагиларга розилигини билдиради: мазкур Оферта шартларига, шу жумладан унда баён этилган суғурта шартларига;

аризани тўлдирганда кўрсатилган шахсий маълумотларга ишлов берилишига, шу жумладан 5 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадларида автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулда ишлов бериш йўли билан маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлик киритиш, фойдаланиш, эгасизлантириш, блокировка қилиш, йўқ қилиш; шунингдек Суғурта шартномасини бажариш, ички ҳужжатлар айланмасини таъминлаш мақсадларида уларнинг учинчи шахсларга берилишига;

Суғурталовчи томонидан суғурта ҳужжатларида имзонинг факсимил нусхасини олиш воситаларидан фойдаланилишига.

Суғурта шартномасини тузаётган шахс Офертани қабул қилиш билан ушбу Офертанинг барча қоидаларига розилигини билдиради ва Суғурта қилдирувчига айланади (Оферта акцепти Суғурта шартномасининг Офертада баён этилган шартларда тузилишига тенг кучли). Суғурта қилдирувчи ўз ҳуқуқини ва ишга лаёқатлилигини тасдиқлайди, шунингдек Суғурталовчининг ахборот тизимлари орқали Суғурта шартномасини тузиш натижасида ўзига юкланган мажбуриятлар учун жавобгарлигини англайди.

Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг ва Суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддаси талабларига мувофиқ сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Ахборотнинг Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ошкор қилиниши ҳамда мазкур Офертада алоҳида тилга олинган ҳолатлар мажбуриятларнинг бузилиши ҳисобланмайди.



Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи томонидан ахборот тизимида ҳамма учун очиқ шаклда тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар бўлмайди.

Суғурталовчи ўз ваколатлари доирасидан ташқарида бўлган ҳодисалар ва ҳолатлар натижасида юзага келган салбий оқибатлар ва зарарлар учун ҳамда учинчи шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жавобгар бўлмайди, хусусан:

– Суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс) томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатлар ҳаққоний эмаслиги, етарли эмаслиги ва ўз вақтида тақдим этилмагани ёки Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Оферта шартлари ёки ҳужжатларга қўйиладиган талаблар бузилиши оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилиш имкони бўлмаганида;

– ҳужжатлар ҳақиқийлиги ва тўғри расмийлаштирилгани (улардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги) учун;

– алоқа линиялари фаолиятининг бузилиши, Суғурта қилдирувчининг ускуналари носозлиги сабабли Суғурта қилдирувчи томонидан расмийлаштиришнинг имкони йўқлиги учун.

Томонлар мазкур Офертада ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ва шартларда мазкур Оферта бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилмагани ва/ёки тегишли тарзда бажарилмагани учун жавобгар бўладилар.

Томонлар энгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) юз берган тақдирда мазкур Оферта бўйича мажбуриятларнинг бажарилмагани ёки тегишли тарзда бажарилмагани учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур Офертадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал қилиниши керак.

Суд томонидан мазкур Офертанинг бирор-бир банди ҳақиқий эмас деб топилиши унинг шартлари ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди.

Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан Суғурта қилдирувчининг Суғурта мукофотини тўлаши факти тасдиқланган сана мазкур Оферта акцептланган ва Суғурта шартномаси тузилган сана ҳисобланади.

Харид қилинган суғурта полисининг ҳақиқийлигини «INSON» МЧЖ СТ сайтида <https://INSURANCEON.UZ> ҳаволаси орқали ўтиб текширишингиз мумкин.

«Оферта», «Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» ҳаволалари мазкур электрон ҳужжатга нисбатан қуйида матн бўйича бир хил маънога эга.

Махсус шартлар:

2. Суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан учинчи шахслар ва ташкилотларнинг (CLICK, PayMe, APELSIN ва бошқалар) электрон тўлов тизимларидан (онлайн тўловлар) фойдаланган ҳолда Суғурталовчига амалга оширилади, Суғурталовчи учинчи шахслар ва ташкилотларнинг хизматлари учун жавобгар бўлмайди.

Тўлов электрон тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилганида, тўлов тизимининг ҳимояланган каналига қайта йўналтириш учун ариза қабул қилинганини тасдиқлаш ишлари Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта шартномасини тузишга Аризани тўлдириш пайтида кўрсатилган мобил телефон рақамига ёки электрон почта манзилига Суғурталовчи томонидан СМС-хабар юбориш йўли билан амалга оширилади. Тасдиқлаш коди кўрсатилган хабарнома олинганидан кейин Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши зарур, сўнгра у ҳисобланган суғурта мукофоти суммасини Суғурталовчининг ҳисобрақамига ўтказиш учун автомат тарзда танланган тўлов тизимининг сайтига қайта йўналтирилади.

СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Тўлиқ номланиши:

«INSON» Масъулияти чекланган жамияти Суғурта ташкилоти

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 31-уй

Электрон манзили (расмий интернет ресурс / электрон почта):

www.insuranceon.uz / info@insuranceon.uz

Давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисида маълумотлар:

Суғурта ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 12 майда рўйхатга олинган, реестр рақами № 82.

Лицензия ҳақида маълумотлар:

№СФ–00002 рақамли лицензия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2020 йил 27 октябрда берилган.

«Оферта», «Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» ҳаволалари мазкур электрон ҳужжатга нисбатан қуйида матн бўйича бир хил маънога эга.

1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.3. Асосий тушунчалар:

Суғурта қилдирувчи – Суғурталовчи билан шартномавий муносабатларга киришган ва суғурта мукофотини Офертада белгиланган тартибда ва шартларда тўлаган шахс. Суғурта қилдирувчи – бу бир вақтнинг ўзида Суғурта қилинган шахс ҳисобланувчи жисмоний шахсдир. Суғурталовчи билан учинчи шахслар – Суғурта қилинган шахслар фойдасига Суғурта шартномасини тузишга ҳақли бўлган ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар суғурта қилдирувчилар бўлиши мумкин.

Наф олувчи – Суғурта қилинган шахс номидан ва унинг топшириғи бўйича унинг вакили (алоқа учун шахс) сифатида чиқишга, Офертада кўзда тутилган ҳолатларда суғурта тўловини олишга ваколати бўлган Суғурта полисида кўрсатилган шахс.

Суғурта полиси – Суғурталовчининг Автоматлаштирилган-ахборот тизими томонидан Суғурталовчининг (суғурта агентининг) ҳисобрақамига суғурта мукофоти тушадиган пайтда генерацияланадиган, реквизитларнинг ва суғурта полиси уникал идентификация коди (СПУИК)нинг график тасвирини шундай тасвирни босиб чиқариш қурилмасида босиб чиқариш учун ёки уни фойдаланувчининг электрон қурилмасида сканерлаш орқали кўриш ва верификациялаш учун яроқли бўлган форматда ўз ичига олган, Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасида Оферта шартларида конкрет Суғурталанган шахсга нисбатан Суғурта шартномаси тузилганини тасдиқлайдиган ҳужжат. Суғурта полиси суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланганидан кейин берилади.

Сафар – Ўзбекистон Республикаси доирасида ва Суғурта полисида кўрсатилган Суғурта даврида Суғурталанган шахснинг туристик сафари.

Асистанс – Суғурта дастурида тилга олинган суғурта ҳодисалари юзага келганида Суғурталанган шахсга ахборот кўмагини ва ёрдамни кўрсатувчи Суғурталовчининг туну-кун ишлайдиган хизмати.

Тиббий харажатлар – малакали шифокорнинг кўрсатмаси ёки рецепти асосида ўтказиладиган Суғурталанган шахсни даволаш бўйича Суғурта дастурида кўзда тутилган харажатлар.

Муассаса – Суғурталовчи билан тузилган алоҳида шартнома асосида хизматлар кўрсатувчи тиббий ёки бошқа муассаса (дорихона, диагностика маркази ва ҳ.к.).

Жароҳат – ташқи муҳит омиллари (механик, термик, кимёвий омиллар, ҳар қандай турдаги нурланиш, электр токи таъсири ва атмосфера босими ўзгариши) таъсирида келиб чиққан организм аъзолари ва тўқималарининг яхлитлиги ва фаолияти бузилиши билан кечадиган уларнинг шикастланиши.

Тўсатдан касалланиш – кутилмаганда суғурта даврида ва суғурта ҳудудида юзага келган, сурункали касаллик ва/ёки саёҳат бошланишидан олдин, у бўйича даволанилгани ёки йўқлигидан қатъи назар, бошдан кечирилган касаллик оқибати ҳисобланмаган, шошилич ёрдамни талаб қилувчи ва мазкур Офертада истисно сифатида белгиланмаган касаллик.

Заҳарланиш (интоксикация) – организмга кимёвий препаратлар (шу жумладан дори препаратлари), ўсимлик заҳарлари ва ҳашоратларнинг заҳарлари, бактериялар ва ҳ.к.ларнинг токсик дозаси таъсир қилиши натижасида ривожланадиган касаллик.

Шошилич тиббий ёрдам шакли – тўсатдан бўладиган ўткир касалликларда, ҳолатларда, бемор ҳаётига яққол таҳдид белгиларисиз сурункали касалликлар зўрайганида кўрсатиладиган тиббий ёрдам.

Сурункали касаллик – зўрайиш ва ремиссия даврлари билан характерланадиган инсон организмидаги аъзолар ва тизимларнинг шикастланиши билан кечадиган узоқ давом этадиган касаллик.

Сурункали касалликнинг зўрайиши – шошилич ёрдам зарур бўладиган сурункали касалликнинг ўзига хос аломатлари намоён бўлиши.

Бахтсиз ҳодиса – Суғурталанган шахснинг организмга ташқаридан таъсир қилувчи ва Суғурталанган шахснинг травматик шикастланишини ва/ёки соғлиғининг ўзгача тарзда бузилишини ёки унинг ўлимини келтириб чиқарувчи тўсатдан содир бўлган, қисқа муддатли ва Суғурталанган шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳодиса.

Тиббий эвакуация – Суғурталанган шахсни зарурат бўлганида тиббий ходимлар ҳамроҳлигида бир жойдан бошқа жойга ҳар қандай имконли ва адекват транспорт воситаси ёрдамида кўчириш учун зарур бўлган тадбирлар мажмуи. Тиббий эвакуация фақат тиббий қаршилиқлар мавжуд бўлмаганида ва шифокорнинг рухсати билан амалга оширилади.

Суғурта ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси.

1.4. Суғурта шартномасини тузиш ва унинг кучга кириш тартиби:

1.4.1. Суғурта шартномаси тузиладиган шартлар мазкур Оферта шартларига мувофиқ белгиланади. Суғурта шартномасини тузганда Суғурталовчи имзодан факсимил нусха олиш воситасидан фойдаланишга ҳақли бўлиб, бу ҳужжатни имзолаган шахснинг ўз қўли билан қўйилган имзосига тенглаштирилади.

1.4.2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда Суғурталовчига тақдим этилган маълумотлар асосида шаклланади.

1.2.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризанинг мажбурий сатрларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган оригинал ҳужжатлардаги маълумотларга қатъий мувофиқ равишда тўлдиради.

2.2.4. Суғурта қилдирувчи тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва оригиналлари билан бир хиллиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади ҳамда тақдим этилаётган ҳужжатлар суғурта ҳодисаси юз берганида ўз оригиналларига тўғри келмаса, Суғурталовчи суғурта тўловини рад этиш ҳуқуқига эга.

2.2.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автомат тарзда суғурта шартномасига (Суғурта полисига) киритилади.

2.2.6. Суғурталовчининг Автоматлаштирилган-ахборот тизими томонидан генерацияланган, суғуртанинг жиддий шартларини ўз ичига олган, Суғурталовчининг имзодан факсимил нусха кўчириш воситасидан фойдаланиш йўли билан имзоланган суғурта полисининг Суғурта қилдирувчи томонидан Аризада кўрсатилган электрон почтага олиниши унга Суғурта шартномаси шартларини ўз ичига олган Суғурта полисининг тегишли тарзда топширилиши эканига Суғурта қилдирувчи ўз розилигини тасдиқлайди.

2.2.7. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи билан учинчи шахсларнинг (қуйида – Суғурталанган шахслар) фойдасига уларни суғурта қилиш тўғрисидаги шартномани тузишга ҳақли. Агар Суғурта қилдирувчи – жисмоний шахс ўзининг мулкий манфаатларини суғурта қилишга шартнома тузган бўлса, унда у ҳам Суғурталанган шахс ҳисобланади.

2.2.8. Суғурта шартномасини тузганда Суғурталанган шахс шифокорларни Суғурталовчининг олдида суғурта ҳодисасига тегишли қисмида махфийлик мажбуриятларидан (шифокорлик сирига амал қилишдан) озод этади.

2.3. Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) тўлаш тартиби:

1.3.6. Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) тўлаш Суғурталовчи томонидан қўлланадиган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда (онлайн) амалга оширилади.

1.3.7. Кейин тўлов тизимининг ҳимояланган каналига қайта йўналтириш учун аризанинг қабул қилинганини тасдиқлаш Суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдирётганда кўрсатилган мобил телефон рақамига ва/ёки аризада кўрсатилган электрон манзилга Суғурталовчи томонидан хабар юборилиши йўли билан амалга оширилади.

1.3.8. Тасдиқлаш коди кўрсатилган хабар олинганидан кейин Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши зарур, сўнгра у Суғурталовчининг ҳисобрақамига ҳисобланган суғурта мукофоти суммасини ўтказиш учун танланган тўлов тизимининг сатига автомат тарзда қайта йўналтирилади.

1.3.9. Суғурта полисининг қиймати тўлангани ҳақидаги тасдиқ олинганидан кейин Суғурталовчининг ахборот тизими Суғурта полисини автомат тарзда электрон шаклда шакллантиради, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига юборади, сўнгра Суғурта қилдирувчини Суғурта полисининг серияси ва рақами ҳақидаги; Суғурта полиси электрон тарзда юборилгани ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган СМС-хабарни юбориш йўли билан хабардор қилади.

1.3.10. СМС-хабарлар фақат аризаларда кўрсатилган, Ўзбекистон мобил алоқа операторлари томонидан рўйхатдан ўтказилган мобил рақамларга юборилади.

1.5. Суғурта шартномасининг тўхтатилиши

1.5.1. Суғурта шартномасининг (Суғурта полисининг) амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда тўхтатилади.

1.5.2. Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) исталган пайтда Суғурта қилдирувчининг ёзма аризасига кўра муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

1.5.3. Суғурта мукофотини қайтариш қуйидаги тартибда ва ҳолатда амалга оширилади:

- агар Суғурта қилдирувчи Суғурта полиси амал қиладиган давр бошланишидан олдин суғуртадан воз кечиш ҳақида билдирган бўлса – Суғурталовчи унга тўланган суғурта мукофотини тўлиқ ҳажмда қайтаради;

- агар Суғурта қилдирувчи Суғурта полиси амал қиладиган давр бошланганидан кейин суғуртадан воз кечиш ҳақида билдирган бўлса – Суғурталовчи унга ўтмаган суғурта даври учун суғурта мукофотини қайтаради;

- Суғурта полисининг амал қилиши Суғурта қилдирувчининг аризаси бўйича тўхтатилганида суғурта мукофотини қайтариш шундай ариза олинган пайтдан бошлаб 5 (беш) иш куни давомида суғурта мукофоти қайси валютада тўланган бўлса, шу валютада амалга оширилади.

1.5.4. Суғурта мукофоти қуйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

- агар суғурта даври давомида мазкур Қоидаларда кўрсатилган суғурта ҳодисаси юз бериб, Суғурталовчи у бўйича ўз мажбуриятларини бажарган ёки бажараётган бўлса;

- Суғурта қилдирувчи Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври яқунланганидан кейин суғуртадан воз кечгани ҳақида билдирган бўлса.

2-БЎЛИМ. СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.3. Мазкур Суғурта шартномасига мувофиқ Суғурталовчи Суғурта ҳодисаси юз берганида, суғурта мукофоти тўланганлиги шarti билан, Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга ёки Наф олувчига (Суғурта қилдирувчининг танлови бўйича) суғурта тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.4. Суғурталовчининг мазкур Суғурта шартномаси бўйича мажбуриятлари Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври давомида амал қилади.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

3.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Суғурта полисида кўрсатилган Суғурта даврида юз берган, Суғурталанган шахснинг жароҳатланиши, заҳарланиши, тўсатдан касалланиши, сурункали касаллик зўрайиши, бахтсиз ҳодиса ёки бахтсиз ҳодиса оқибатида Суғурталанган шахснинг ҳаётдан кўз юмиши сабабли юзага келган воқеа суғурта ҳодисаси ҳисобланади. Ушбу ҳодиса натижасида Суғурта қилдирувчида / Суғурталанган шахсда ёки Наф олувчида қуйидагиларни тўлаш зарурати пайдо бўлади:

3.2.1. амбулатор ва/ёки стационар даволаниш учун тиббий харажатларни;

3.2.2. шошилич стоматологик ёрдам харажатларини;

3.2.3. тиббий транспортировка / эвакуация бўйича харажатларни;

3.2.4. ўлимдан кейин репатриация бўйича харажатларни (жасад/қолдиқларни қайтариш).

4-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАВРИ

4.1. Суғурта даври Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Суғурталанган шахснинг бўлиш муддатига мувофиқ равишда ўрнатилади.

4.2. Суғурта даври Суғурта полисида Суғурта полиси амал қиладиган давр бошланганидан сана сифатида кўрсатилган суғурта мукофоти тўланган кундан кейин келади кун соат 00:00:00 дан бошланади, бироқ Суғурталанган шахс томонидан Суғурта полиси амал қиладиган ҳудуд чегараси кесиб ўтиладиган пайтдан (Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда чегара хизматларининг паспортдаги белгиси) олдин эмас.

4.3. Суғурта даври Суғурталанган шахс Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтган пайтдан бошлаб яқунланади (Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқишда чегара хизматларининг паспортдаги белгиси), бироқ Суғурта полисида Суғурта полисининг амал қилиш даври яқунланадиган сана сифатида кўрсатилган куннинг соат 23:59:59 дан кеч эмас.

4.4. Агар Суғурталанган шахснинг суғурта даври якунланадиган куни суғурта ҳудудидан қайтиши суғурта ҳодисаси сабабли келиб чиққан унинг касалхонага ётқизилиши муносабати билан имконли бўлмаса ва бу тегишли тиббий хулоса билан тасдиқланса, Суғурталовчи мазкур суғурта шартномасида кўзда тутилган ўз мажбуриятларини суғурта суммаси доирасида бажаришда давом этади.

5-БЎЛИМ. СУЎРТА ДАСТУРИ ВА СУЎРТА ПОЛИСИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН ҲУДУД

5.1. Суғурта дастури – бу тегишли суғурта суммаларига эга хизматлар мажмуи, у мазкур суғурта шартномаси доирасида Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга тақдим этилиши мумкин.

5.2. Суғурталовчи қуйидаги Суғурта дастуридан бири бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади, Суғурта дастури Суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдирётган пайтда танланади. Суғурта қилдирувчи томонидан танланган дастур Суғурта полисида кўрсатилади:

Барча суғурта суммалари Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилган

Суғурта дастурлари		STANDART	COMFORT
Умумий суғурта суммаси:		5 000 000,00 сўм	50 000 000,00 сўм
№	Хизматлар рўйхати	Ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммалари	
1.	Тиббий хизматлар, шу жумладан:	4 000 000,00 сўмгача	10 000 000,00 сўмгача
1.1	Шошилич стоматологик ёрдам	300 000,00 сўмгача	600 000,00 сўмгача
2.	Тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар, шу жумладан:	1 000 000,00 сўмгача	40 000 000,00 сўмгача
2.1	Тиббий эвакуация	1 000 000,00 сўмгача	5 000 000,00 сўмгача
2.3	Репатриация	Қопланмайди	35 000 000,00 сўмгача
Суғурта мукофоти		Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан бўлинган бир кун учун 3000,00 сўм	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан бўлинган бир кун учун 8 000,00 сўм

6-БЎЛИМ. СУЎРТА СУММАСИ ВА СУЎРТА МУКОФОТИ

6.8. Суғурта полисида кўрсатилган пул суммаси суғурта суммаси ҳисобланади, Суғурталовчи унинг доирасида мазкур Оферта (Суғурта шартномаси) шартларида ўз мажбуриятларининг бажарилиши учун жавобгар бўлади. Суғурта суммаси Суғурта қилдирувчи томонидан танланган Суғурта дастурига қараб томонларнинг келишувига биноан белгиланади ва Суғурта полисида кўрсатилади.

6.9. Суғурта қилдирувчи мазкур Оферта шартларида Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов Суғурта мукофоти ҳисобланади. Суғурта мукофоти, суғурта давридан ва танланган Суғурта дастуридан келиб чиқиб, Суғурталовчининг амалдаги суғурта тарифларига мувофиқ ахборот тизимларидан фойдаланиш йўли билан автомат тарзда ҳисобланади. Суғурта мукофотининг миқдори суғурта полисида кўрсатилади. суғурта мукофоти тўланганлиги факти Суғурта қилдирувчининг Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофотининг миқдорига розилиги ҳисобланади.

6.10. Суғурталовчи суғурта мукофотининг миқдорини белгилашда, Суғурталанган шахсларнинг ёши ва сонига ҳамда суғурта ҳодисаси юз бериши хатари даражасига таъсир қилувчи бошқа омилларга боғлиқ бўлган базавий суғурта тарифларига қўйиладиган оширувчи ёки пасайтирувчи коэффициентларни ўрнатади. Суғурта суммаси ва суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан танланган Суғурта дастурига қараб белгиланади ва Суғурта полисида кўрсатилади.

6.11. Суғурта мукофоти Суғурта полиси берилишидан олдин Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталанган шахснинг бутун суғурта қилиниш даври учун Суғурталовчининг сайтида кўрсатилган тўлов тизимлари орқали банк картаси ёрдамида қуйидаги шартларда бир марталик тўлов билан тўланади:

6.11.1. Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланган Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланган тақдирда, суғурта мукофоти Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – Сўмда тўланади;

6.11.2. Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ҳисобланган Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланган тақдирда, суғурта мукофоти Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг суғурта мукофоти тўланган кундаги курси бўйича АҚШ долларларида ёки Еврода тўланади.

6.12. Пул маблағлари Суғурталовчининг ёки унинг ваколатли шахсининг (Суғурта агентининг) банк ҳисобрақамига тушган кундан бошлаб суғурта мукофоти тўланган ҳисобланади.

6.13. барча суғурта тўловлари Суғурталовчи томонидан бевосита Суғурталанган шахсга хизматлар кўрсатган Муассасага амалга оширилади, мазкур Қоидаларда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

6.14. Мазкур Офертанинг 11.5-бандида кўзда тутилган ҳолатларда суғурта тўлови Суғурталовчи томонидан бевосита Суғурталанган шахсга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг суғурта мукофоти тўланган кундаги курси бўйича АҚШ долларларида ёки Еврода, пул маблағларини Ариза берувчининг (Суғурталанган шахснинг/Наф олувчининг) банк ҳисобрақамига бир марта ўтказиш йўли билан тўланади.

7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.6. Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс қуйидагиларга ҳақли:

а) Суғурта полиси йўқотилган тақдирда, унинг дубликатини олиш;
б) мазкур суғурта доирасида Суғурталовчининг консултациясини олиш;
в) суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурталовчидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда ва ҳажмда Суғурта полиси бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш.

7.7. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта полисида қабул қилинган шартлар, талаблар ва мажбуриятларга амал қилиш;
б) Суғурта полиси доирасида Суғурталовчига суғурта тўлови бўйича талабни асослаши мумкин бўлган суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурталовчини у юз бергани ҳақида мазкур Офертада кўрсатилган исталган усулда хабардор қилиш;

в) Суғурта шартномасини тузаётганда Суғурта қилдирувчига маълум бўлган суғурта ҳодисаси юз бериши хатари, эҳтимоли даражасини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборотни ва у юз беришидан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини Суғурталовчига маълум қилиш;

г) Суғурталанган шахсни Суғурта дастури, Суғурталанган шахс учун ўрнатилган жавобгарлик чоралари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир бошқа суғурта шартлари билан таништириш ҳамда унга Суғурта полисининг нусхасини топшириш;

д) Суғурталанган шахснинг ҳолатини кўриқдан ўтказиш ва унинг касаллик тарихини ўрганиш имкониятининг тақдим этилишига кўмаклашиш;

е) Суғурталовчини Суғурта полиси йўқотилганлиги факти ҳақида долзарб муддатда хабардор қилиш.

7.8. Суғурталанган шахснинг мажбуриятлари:

а) Муассасага мурожаат қилишдан олдин бу ҳақда олдиндан Асистансни хабардор қилиш, Муассасага эса Суғурта полиси ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиш;

б) Суғурталовчига ёки унинг ваколатли вакилига Суғурталанган шахснинг ҳолатини текшириш учун уни кўриқдан ўтказиш имкониятини тақдим этиш;

в) Суғурталовчига оилавий ёки даволовчи шифокорлардан даволаш қандай кетаётгани ҳақидаги ҳамда, зарарат бўлганида, Ўзбекистон Республикасига киришдан олдин соғлиғининг ҳолати ҳақидаги ҳужжатларни олишига тўсқинлик қилмаслик (шифокорларга ахборот тақдим этишларига руҳсат бериш);

г) транспортировка пайтида (тиббий кўрсатмалар бўйича) – Суғурталовчи томонидан тақдим этилган ва АСИСТАНС билан келишилган транспорт воситасини ўзгартирмаслик;

д) Суғурта полисини бошқа шахсларга бермаслик.

7.9. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинган ахборотни текшириш ҳамда у томонидан мазкур Қоидалар талаблари ва шартларининг бажарилиши;

б) зарур ҳолларда ваколатли органлар, муассасалар ёки ташкилотларга сўровлар юбориш;

в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган асослар бўйича ҳамда мазкур Қоидаларнинг 10.1, 10.2 ва 10.3 бандларида кўрсатилган ҳолатларда суғурта тўловини тўлашни рад этиш;

г) низо юзага келган тақдирда Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи билан биргаликда ва Суғурталанган шахс билан келишувга кўра танланган мустақил тиббиёт муассасасида Суғурталанган шахс Суғурта қилдирувчининг (Суғурталанган шахснинг) ҳисобидан мустақил тиббий кўриқдан ўтказилиши мумкин. Суғурталанган шахс кўриқдан ўтишни рад этган тақдирда Суғурталовчи суғурта тўловини тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга, бунда Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тегишли суд органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга;

д) мазкур Офертада ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда Суғурта полисининг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш.

7.10. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) белгиланган муддатларда Суғурта полисини бериш;

б) Суғурта полиси йўқотилган тақдирда унинг дубликатини бепул бериш;

в) суғурта ҳодисаси юзага келган тақдирда мазкур Офертада белгиланган тартибда ва шартларда суғурта тўловларини амалга ошириш;

г) Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган шахс) билан муносабатларда ва Суғурталанган шахснинг соғлиғи ҳолати ҳақидаги ахборотнинг махфийлигига амал қилиш ва таъминлаш.

8-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТЎЛОВИ

8.13. Мазкур Офертада кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юзага келганида, қуйидаги хизматлар учун харажатлар Суғурта дастурига киритилган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммаси доирасида тўланиши керак, хусусан:

8.13.1. тиббий муассасада шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш учун, шу жумладан шифокор хизматлари (консултациялари), шифокор томонидан тайинланган диагностика ва лаборатория тадқиқотлари, шифокор томонидан тайинланган (рецепт бўйича) дори-дармонлар, боғлаш воситалари ва фиксация воситалари (гипс, бандаж ва ҳ.к.) учун харажатлар муассасадан чиқиш имкони бўладиган пайтгача;

